

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

“КЕЛИШИЛГАН”

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги**

“ ” 2020 й.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**Тошкент тиббиёт
академияси ректори**

Л.Н. Гүйчнев

2020 й.



**5510700 – Олий хамширалик иши бакалавриат таълим йўналиши
негизидаги**

**5A510701 – Олий хамширалик иши
магистратура мутахассисликларига кирувчилар учун махсус
(ихтисослик) фанларидан**

ДАСТУР

Тошкент – 2020 йил

Аннотация

Дастур 5A510701 – Олий хамширалик иши магистратура мутахассислигига кирудилар учун 5510700 – Олий хамширалик иши бакалавриат таълим йўналиши 2016/2017 ўқув йилида тасдиқланган ўқув режасидаги асосий фанлар асосида тузилган.

Тузувчиilar:

ОМХ факультети декани, т.ф.н.

Эралиев У.Э.

ЛОР ва стоматология кафедраси профессори, т.ф.д.

Бакиева Ш.Х.

Дастур ТТА Кенгашининг 2020 йил 19 июндаги 17- сонли Кенгаш йигилишида мухокама қилинган ва тасдиқлашга тавсия этилган

КИРИШ

5510700 – Олий ҳамширалик иши бакалавриат таълим йўналиши - соглиқни сақлашни тизимида тиббий фаолиятни ташкил этишда иштрок этиш; аҳоли орасида кенг тарқалган ўткир ва сурункали қасалликлар бўйича барча турдаги ташхислаш чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш; ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш ва мутахассисликка доир тиббий фанларни талаб даражасида ўқитиш; тиббиёт соҳасида долзарб бўлган қасалликлар ҳамда муоммолар бўйича замонавий маълумот, билимларгаларга эга бўлиш ва фаолияти давомида улар тўғрисидаги маълумотлар билан мунтазам танишиб бориш; аҳоли орасида кенг тарқалган қасалликлар бўйича замонавий ташхислаш стандартларини мақсадга йўналтирилган ҳолда амалиётда қўллаш; аҳолини ижтимоий муҳофаза килишда унинг учун маъсул бўлган ташкилотлар билан ҳамкорликда мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш; соглиқни сақлаш тизимининг меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни самарали бошқаришда иштрок этиш; тиббиёт соҳасида долзарб бўлган муоммолар бўйича илмий-тадқиқот фаолиятини талаб даражасида олиб боришда иштрок этиш каби йўналишларни қамраб олади.

5510700 – Олий ҳамширалик иши бакалавриат таълим йўналиши
5A510701 – Олий ҳамширалик иши магистратура мутахассислигига кирувчилар талабалар учун таълим йўналиши ўқув режасига асосан тест саволлари шакллантирилган. Бу фанлар ўз негизида қамраб олинган маълумотлар куйида батафсил келтирилган.

ОЛИЙ ҲАМШИРАЛИК ИШИ фани бўйича:

Ҳамширалик иши мақсади, вазифалари ва ҳамширалик иши босқичлари; тиббий этика, деонтологиянинг замонавий аспектлари ва модуллари, саналогия ва валеология асослари, биоэтика шунингдек, тиббиёт ҳамшираси қасб этикаси, ҳамширалик жараёнининг босқичлари бўйича назарий билимларни шакллантириши;

Жамоат саломатлиги ва соглиқни сақлашда ҳамширалик ишини бошқаришнинг аҳамияти, тиббий-санитария ёрдамни тўгри ташкил этиш асослари, инсонни инсонга, жамиятга, ташки муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи этик ва хуқуқий меъёрлар, жамият саломатлигини шакллантирувчи асосий қонуниятлар ва омиллар, ижтимоий шароитлар, турмуш тарзи, ташки муҳит омилари, аҳоли саломатлигини саклаш бўйича маҳаллий бошқарув органлари ва олий маълумотли ҳамширанинг асосий вазифалари, мажбурият ва хуқуқлари, ҳамширалик ишининг назарий ҳамда илмий асослари бўйича назарий билимларни шакллантириши;

Тиббиёт муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш бўйича эпидемиологик ёндошишнинг хусусиятлари, қасалликларнинг хавф омиларини, уларнинг

профилактикаси, аҳоли ўртасида юкумли касалликларнинг келиб чикиши ва тарқалишининг умумий қонуниятлари, асосий қонуншунослик актлари, эпидемик жараёнининг ривожланиш механизми, шароит ва сабаблари, профилактик ва эпидемияга қарши чора тадбирларнинг тизими ва таркиби бўйича зарур бўлган билим ва кўникмаларга эга бўлиш учун асос яратиши;

Ҳамширалик ишини бошқарув - режалаштириш, ташкил этиш, мотивациялаш ва мувофиқлаштириш бўйича қўрсаткичларини таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиши;

Терапияда ҳамширалик иши фанининг мақсад ва вазифалари, ички касалликларни келтириб чикувчи омиллар, симптомлари ва синдромлари, ҳамширалик жараёнининг даволашдаги ўрни, терапевтик bemорларни парваришини ташкил этишда ҳамширалик жараёни асосида ҳамширалик касаллик тарихини юритиш қоидалари бўйича зарур бўлган билим ва кўникмаларга эга бўлиши;

Эндокринология, онкология, хирургия, асаб касалликларда, педиатрия ва неонатологияда ҳамширалик иши асослари, бундай касалликларнинг этиологияси, патогенези, асосий клиник белгилари, клиник ва лаборатор-инструментал текшириш усуллари бўйича зарур бўлган билим ва кўникмаларга эга бўлиши;

Ҳамширалик ишида акушерлик ва гинекологиянинг долзарб масалалари, аёл организмининг ўзига хос хусусиятлари ва кузатиладиган ўзгаришлар, репродуктив саломатликни аниқлаш усуллари, ҳомиладорлик ва тугрук фаолиятини тўғри олиб бориш, гинекологик касалликларнинг олдини олиш, контрацепция, репродуктив саломатлик асослари ва оилани режалаштириш тамойилларини тўлиқ ўрганиш учун асос яратиши ҳамда ривожлантириши;

Олий маълумотли ҳамшира фаолиятида кўп учрайдиган жарроҳлик касалликлари билан оғриган bemорларни врачгача бўлган ёрдам қўрсатиш тамойилларини билиши, жарроҳлик амалиётини талаб қилувчи сурункали жарроҳлик касалликларининг белгиларини эрта ва тўғри аниқлаши, бирламчи жарроҳлик ёрдамини қўрсатиш, хирургияда ҳамширалик жараени асосий босқичлари, ҳамширалик парвариши асосий тоифаларининг деонтологик асослари, операциядан олдин ва кейин bemорни кузатиш асосий қоидалари, хирургик bemорни парвариш қилиш бўйича кўникмаларни бажара олишга шароит яратиши.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Маматкулов Б. Жамоат саломатлиги ва соглиқни сақлашни бошқариш. Илм Зиё, Тошкент-2013, 590 бет.
2. Маматкулов Б., Касимова Д.А. Соглиқни сақлаш менежменти ва иқтисодиёти. Ворис Нашриёти, Тошкент 2015, 238 бет.
3. Маматкулов Б.М., Мирзабаева С.А, Адилова З.У. Илмий текшириш ишларини амалиётга кўллаш (Далилларга асосланган тиббиёт). Дарслик. Voris nashriyoti- Тошкент, 2015. -80 б.

4. Маматкулов Б.М., Нодиров Т.С. Соглом турмуш тарзи. Ўқув қўлланма. Тошкент-2018. 265 б.
5. Маматкулов Б.М., Касимова Д.А., Тиббий ёрдам сифатини ошириш асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент-2019. Ворис нашриёт, 208 б.
6. Theodore H. Tulchinsky, Elena A. Varavikova. The New Public Health. Second Edition. Academic press. USE-2011. 697p.
7. P.Kelly H.Crawforol. Nursing leadership and management. NELSON. Canada -2013. 95p.
8. Маматкулов Б.М., Аvezova Г.С., Maxsus фанларни ўқитиш услубиёти. Дарслик. Тошкент-2019. Наврӯз нашриёти, 300 б.
9. Ахмедов М., Азимов Р., Муталова З., Гусейнов Ш. Цой Е. Bernd Rechel.– Системы здравоохранения: Узбекистан, время перемен. – 2014; 16(5): 1-168 с.;
10. Lemon/Лимон. Учебные материалы по сестринскому делу/Пакет учебных материалов для медсестер и акушерок. Всемирная организация здравоохранения, Европейское региональное бюро. Первое издание 1996, 12 глав;
11. Двойников С.И.. Менеджмент в сестринском деле. Ростов на Дону-2012
12. Модестов А.А.и др. Лидерство в сестринском деле. Учеб пособ. Ростов на Дону 2009.